

РАК БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Ракнинг давосини топган ўзбек олимга олтиндан ҳайкал қўйиладими?



ПАНЖАРА ОРТИДАН НИДО

... Ота-онам менинг хатти-ҳаракатларимдан беҳабар эди. Зор-зор йиглаб қолишди. Ўшанда-ёқ кўзим очилган эди.



Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

2000 йил,
7-13 июнь, № 22 (138)

МУСТАҚИЛЛИК **ХУҚУҚ** ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ТАРИХ ВА ЗАМОН

ТАРИХГА ЯНГИЧА НИГОҲ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошида «Ўзбекистоннинг янги тарихи» Марказини ташкил этиш тўғрисидаги 1996 йил 19 сентябрдаги Фармойишига биноан Муσταқиллик даврининг янги тарихини ўрганиш ва ёзишни, Ўзбекистон халқи ҳаётида содир бўлаётган буюк ўзгаришлар ва унинг жаҳоншумул тарихий аҳамиятини кўрсатишни амалга ошириш мақсадида Марказ зиммасига биринчи даражали вазифа сифатида уч китобдан иборат «Ўзбекистоннинг янги тарихини» яратиш топширилган эди. 1996-2000 йиллар мобайнида бу улкан, шарафли, масъулиятли вазифани бажариш эъзизига Ватанимиз тарихининг биринчи китоби майдонга келди.

(Давоми 2-бетда).

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

СОЛИҚ — ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида навбатдаги идораларро мувофиқлаштирувчи кенгаш бўлиб ўтди. Уни Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари А.Эргашев бошқарди.

Кенгашда Республика Давлат солиқ қўмитаси ва унинг қуйи идораларида фуқаролар ва мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортишда ҳамда юридик шахсларга нисбатан иқтисодий санкциялар қўллашда қонуларга риоя этилишининг аҳоли кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан Республика

прокуратурасининг умумий назорат бошқармаси бошлиги Х.Маҳмудовнинг маърузаси тингланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда Давлат солиқ қўмитасининг мутасадди раҳбарлари, Республика Марказий банки, тегишли вазирликлар ва идораларнинг ходимлари, вилоят прокурорлари ўрин

босарлари иштирок этдилар.

Маъруза юзасидан сўзга чиққанлар солиқларни ўндиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар биргаликда иш олиб борсалар, қўзланган режалар амалга оширишга эътиборни қаратишди ва бу борада зарур тадбирлар белгилаб олинди.

Кенгаш сўнгида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз мухбиримиз)

ХУҚМДАН СЎНГ

ТУҲМАТ БАЛОСИ

ёки бир пок инсоннинг топталган шаъни, қадр-қиммати тиклангани ҳуқуқиди

Ўзбекистон ҳар бир фуқаросининг ҳақ-ҳуқуқлари амалдаги қонунлар ҳамда Конституция орқали ҳимояланган. Лекин, ҳаёт мураккаб нарса. Унда ҳар хил янглишишлар, хатоликлар юз бериб туради. Тўғри, биз бу ҳолга табиий, деб қараш нуқтаи назаридан йироқмиз. Сабаби, ана шундай хатоликлар, чалқашликлар ортида инсон тақдири туради. Айниқса, инсон ҳаёти ва тақдирига бевоқифа дахлдор бўлган

тиббӣёт, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг хатога йўл қўйиши оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Жорий йилнинг 4 апрелида Беруний тумани судида «Шоббоз» ширкат хўжалиги 8-бригадасида яшовчи, 1948 йилда туғилган фуқаро Рейимбой Матекубовнинг манфаатини ҳимоя қилиш бўйича туман прокуратурасининг даъво аризаси кўриб чиқилди.

(Давоми 2-бетда).

НУҚТАИ НАЗАР

ПРОКУРАТУРА ВА МАЪНАВИЯТ

Бугун биз миллий гурур ва ифтихор, миллий ғоя ва маънавият ҳамда кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, инсон омили ҳақида кўп фикр-мулоҳаза юритмоқдамиз.

Чунки, бу тушунчалар биз изчил барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлат, ижтимоий адолатли фуқаролик жамияти ҳамда шу мамлакат фуқаролари ҳаётининг негизи ҳисобланади.

Мамлакатимизда юз бераётган бундай туб сийсий, ижтимоий ва маънавий ўзгаришлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолиятига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда.

Қонуннинг муқаддаслиги ва устуворлиги, қонунийлик ҳуқуқий демо-кратик давлат барпо этишнинг энг муҳим шарт-эканлигини чуқур англаш туйғуси ҳар бир прокуратура ходимидан ижтимоий адолатли жамият барпо этиш ишида фаол қатнашишни, ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда қатъиятли бўлишни тақозо этади.

Эндиликда прокуратура

органлари ходимларининг маънавий дунёсини бойитиш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга энг долзарб масала сифатида қаралмоқда.

Хўш, прокуратура идоралари ходимларининг маънавий бойлиги ва ҳуқуқий маданияти нималардан иборат?

Улар аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Прокуратура тўғрисида»ги

(Давоми 6-бетда)



Юртимнинг эрка қизиман...

«ХУКУК»

Юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:**А.АБДУРАЗЗОҚОВ****Таҳрир ҳайъати:**

Мэлс Наимов,
Ботир Пўлатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Комилжон Исмоилов,
Дилшод Исломов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи — 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Фуломов
кўчаси, 66-уй.

Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Таҳририятга келган қўлзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Наширимиздан кўчириб
босилганда «Хукук»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси
остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II MMX - 333
компьютеридида саҳифаланди.

Саҳифалаш ва дизайн
ишларини Б.Саидов бажарди.

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Қорхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буёқ Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г - 552
Нусхаси — 17258

Босмаҳонага топшириш
вақти 20.00

Босмаҳонага
топширилди 20.00

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Набатчи
Н.МАХМУДОВ
Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

(Бошляғиш 1-бетда).

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академиясида «Ўзбекистоннинг янги тарихи, Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида» деб номланган биринчи китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тақдимотни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги «Ўзбекистоннинг янги тарихи» Маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор А.Сағдуллаев кириш сўзи билан очди. Сўнг Академия ректори, профессор А.Азизхўжаев ушбу китоб кенг илмий жамоатчилик фикрларининг маҳсули эканлигини таъкидлаб, ҳолис ва ҳаққоний тарихни яратишдаги илк кутлуг қадам билан табриклади.

Тақдимотда сўзга чиққанларнинг нутқларида республикамизда ушбу китобнинг дунёга келиши жуда катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга эканлиги, у мустақиллик мафқураси руҳи билан суғорилганлиги, соғлом авлоднинг тарбиялашга қўшилган катта ҳисса эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Дарҳақиқат, Туркистон 1917 йилда миллий қадриятларини давом эттиришга, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳақли эмас эди. Қарийиб бир ярим асрлик мустамлакачилик сиёсати туфайли, Туркистон оғир сиёсий, иқтисодий ва маънавий таназзулни бошдан кечирди.

Чор империяси ўзининг маккорона сиёсатини аста-секин ўзбек халқининг барча қатламлари орасига машум бир қиёфада олиб киришга муваффақ бўлганди. Хайрияти, бу қабих сиёсат 1991 йилда чок-чокдан сўқилиб, парчаланиб кетди. Миллат ўз ифтихорини, гурурини ҳеч ким хор қила олмаслигини намоеён этди.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярмида чор мустамлакаси ҳисобланган Урта Осиёнинг, жумладан, жабрдийда ўзбек халқининг барка-

мол ижодкор вакиллари истибод туфайли даҳшатли қисматни бошдан кечирдилар.

Мустамлака сиёсатининг моҳияти ва мақсади, маънавийтига таъсири ҳақидаги муаммолар тўғрисида жуда кўп фикрлар баён этилган. Булар ҳақидаги ишончли далилларни ўрганиш, уларнинг келиб чиқиш илдизларини илмий таҳлил этиш айниқса муҳим аҳамиятга молик.

ни билмаган киши инсон саналмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан гофил этишга уриндилар. Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун курашишдан чарчамадик. Маслагимизни, наслу насабимизни доимо ёдда сақладик». (Ислом Каримов. Ижобий ишларимизни охирига етказайлик. Т. 1994, 19-бет).

Кўпдан-кўп янги манбаларни,

рихий публицистик усул уйғунлаштирилган.

«Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида» китоби академик Б.Аҳмедовнинг «Ўзбекистоннинг янги тарихи ҳақида икки оғиз сўз»и билан очилади. Китобнинг муаллифлар гуруҳи республикамиздаги танкили тарихшунос олимлар Ҳ.Содиқов, Р.Шамсутдинов, П.Равшанов, Қ.Усмоновлардан иборат. Ўзбекистоннинг янги тарихи би-

ТАРИХГА ЯНГИЧА**НИГОҲ**

«Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида» китобида мустамлакачилик руҳи, мустамлакачилик табиати, ахлоқ ва одати, шу тузумга муте ва маҳқум бўлиб келган ўзбек халқи ҳаёти акс этган. Унда мустамлакачилик «даҳо»ларининг ўз гоғларини онгимизга синдириш учун енг шимариб киришганлиги ишонарили далиллар билан асослаб берилди.

Айтиш мумкинки, мазкур китоб ўзининг янги-янги қирралари билан ўзбек халқи ҳаётини, ижодкор зиёдилари ҳаётини чуқурроқ ўрганишга, мураккаб ва зиддиятли ҳолисаларни моҳирона акс эттиришга даъват этади.

Бинобарин, ўз тарихини, миллий қаҳрамонлари ҳаётини ўрганмай туриб, унинг энг яхши анъаналарини ривожлантирмай туриб олға силжий олиш мумкин эмас.

Дарҳақиқат, буларни ўрганиш, билиш, таҳлилу тадқиқ қилиш халқимиз мустақилликка эришган ҳозирги шароитда янада муҳим аҳамият касб этади. Зотан, «Наслу насаби-

адабиётларни, архив материалларини ўрганиш эвазига дунёга келган биринчи китоб ўзбек халқининг тарихий йўли гоғят хилма-хил ва мураккаб эканлигидан далолат беради. Чунки ҳаётнинг муҳим ижтимоий муаммоларига доир ҳам рус тадқиқотчилари, ҳам маҳаллий миладди вакиллари томонидан ёзиб қолдирилган маълумотлар илк бор ана шу китобда ўз аксини топган ва баҳосини олган. Китоб тарихий воқеа-ҳодисаларни, вазиятларни ҳамда бизнинг уларни тушунишдаги қобилиятимиз эътиборга олинган ҳолда, маънавий-этик хусусиятларимиздан келиб чиқиб, муҳим муаммоларимизни ёритишда содда, оддий бўлиб этиш усули билан мушоҳадага чорлаб, ўз тарихимизга бўлган гурур ва ифтихор руҳини улуғлаш билан китобхон қалбига йўл топа олади. Биринчи китоб ҳам фалсафий, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан талқин этилиши айниқса муҳим.

Китобдаги ўта мураккаб жараёнлар талқинида сиёсий, илмий, та-

ринчи китоби тўртта бобни ўз ичига олиб, Россиянинг Туркистонни иқтисодий ва маънавий тўқунлиқда тутиш сиёсати ва унинг оқибатларини тўлиқ акс эттиришга хизмат қилади.

«Миллий давлатчиликни тиклаш ва озодлик учун кураш» деб аталган тўрттинчи бобда жадидчилик ҳаракати ёритиб берилган. Китобда янги манба ва адабиётлардан фойдаланилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, «Ўзбекистоннинг янги тарихи Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида» деб номланган биринчи китоб катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлиб, у республикамиз фуқароларида миллий гурур ва миллий ифтихор ҳиссини уйғотишга ёрдам беради.

Н.АБДУАЗИЗОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи Марказининг Бош илмий ходими, тарих фанлари доктори

ҲУҚМДАН СЎНГ**ТУҲМАТ БАЛОСИ****(Бошляғиш 1-бетда).**

Аризада туман собик нарколог шифокори А.Айтбоев қонунга хилоф равишда Р.Матёкубовни гиёванд моддалар истеъмол қилувчидан рўйхатига олганлиги баён этилиб, уни ана шу рўйхатдан чиқариш сўралган. Масалга аниқлик киришти учун, келинг, воқеани бир бошдан баён қилайлик.

1998 йил 15 май куни туманнинг собик нарколог шифокори А.Айтбоев Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлиқда чиқарган «Мунтазам спиртли ичимлик ва гиёвандлик моддаларини истеъмол қилувчиларни ҳисобга қўйишни тартиблаштириш ҳақида»ги йўриқномасига хилоф равишда ҳеч қандай ҳужжатсиз ва қўлида асос бўлмаган ҳолда фуқаро Р.Матёкубовни ҳисобга олади ҳамда жабрланувчини гиёванд сифатида қабул қилиб суҳбатлашгани тўғрисида сохта вақарга тўлдириб, ҳужжатлаштириб қўйди. Ажабланишли томони шундаки, нарколог шифокор томонидан тўлдирилган касаллик вақарасида «мижоз» ҳақидаги маълумотлар нотўғри ёзилган. Масалан, жабрланувчининг исми Реймбой ўрнига Рейимберган, туғилган йили 1948 ўрнига 1946 йил, яшаш жойи 8-бригада ўрнига 7-бригада тарзида нотўғри қайд қилинган. Бундан ташқари Р.Матёкубовнинг Эллиқалъа тумани Сарабий руҳий ва асаб касалликлари диспансерида стационар

ёки бир пок инсоннинг топталган шаъни, қадр-қиммати тиклангани хусусида

тартибда даволанганлигини кўрсатган. Текширишлар натижасида фуқаро Р.Матёкубов умуман бу шифохонада даволанмагани ва ҳисобда турмаганлиги аниқланди. Албатта, тирик жон борки, ўз шаъни ва обрўсига доғ тушишини истамайди. Айниқса, ноҳақ айбловлар ҳар қандай одамни руҳан эзиб қўяди. Табиийки, Р.Матёкубов Узига қўйилган айбларни тан олмайди ва прокуратура йўланмаси билан республика наркология диспансерида бориб, ўзини қайта кўриқдан ўтказишларини сўрайди. Комиссия Р.Матёкубовни қайта кўриқдан ўтказиб, унинг гиёванд эмаслигини аниқлади.

Ана энди ўзингиз бир мулоҳаза қилиб кўринг, нарколог врач А.Айтбоевнинг айби билан Р.Матёкубов қанчаллик қийналди.

Суд жараёнида А.Айтбоев: «Мен 40 йил шифокор бўлиб ишладим, ҳозир нафақадаман. Ана шу даврлар мобайнида бир мартагина халотликка йўл қўйдим, ички ишлар бўлими ходимларининг оғзаки берган кўрсатмаларига биноан Р.Матёкубовнинг ўзини қўрмадан, суҳбатлашмасдан гиёванд, деб рўйхатга олдим ва вақарга тўлдирдим. Ана шу хатоимни тан оламан ва фуқаро Р.Матёкубовдан кечирим сўрайман. Етказилган зарарни тўлашга рози-

ман. Лекин, ҳозир нафақахўр эканлигимни ҳисобга олишнингизни сўрайман», деб кўрсатма берди. Миллиция ходимларининг озаки кўрсатмалари бўйича иш кўрган нарколог шифокорнинг «асоссиз гаплари» тасдиқини топмади.

Энди савол туғилади: бировни ноҳақдан беобрў қилишдан ким манфаатдор бўлган? Ёки бу инсон тақдирига лоқайд қарашнинг оқибатими? Нима бўлганда ҳам бир бегуню одам жабр кўрди. Лекин, дунёда ҳақиқат бор экан, у эгиллиши мумкин, аммо синмайди. Туман суди Фуқаролик Кодексининг 1021-моддаси 2-қисми 3-бандининг «зарар ор-номус, қадр-қиммат ва ишчанлик обрў-эътиборини ҳақоратловчи маълумотларни тарқатиш туфайли етказилган бўлса, уни етказувчининг айбидан қатъий назар қопланади» деган талабига асосан етказилган маънавий зарар учун жабрланган А.Айтбоевдан Р.Матёкубов фойдасига 100000 сўм ундиришни лозим, деб топди.

Юқоридаги воқеадан хулоса шуки, бизнинг жамиятда ҳеч ким ноҳақдан жабрланмайди. Чунки, уни ҳимоя қилувчи Конституция ва қонунлар бор.

Райимбой ОТАЖОНОВ,
Беруний туман суди судьяси

ДИЛ ИЗҲОРИ

Самарқанд вилояти бўйлаб ижодий сафарда юрган муҳбиримиз Каттакўрғон туман прокуратурасида шундай бир қувончли ҳолнинг гувоҳи бўлди.

— Мен, — дейди Каттакўрғон туман, Мирзо Улугбек жамоа ҳўжалигида фаолит қўрсатувчи «Ҳам-робобо» фермер ҳўжалиги тadbirkори Шуқуров Рустам. — эрта баҳорда, ҳали ер қизмасдан, фермерларга катта имкониятлар яратиб берилаётганини эшитиб, Каттакўрғон туман ҳокимиятига ижара

**ҲЕЧДАН
КўРА, КЕЧ
БўЛСА ҲАМ**

учун 12 гектар ер сўраб ариза бергандим. Дастлаб аризамни ўқиб чиқишиб, талабларимни ҳам, ҳўжатларимни ҳам қорикқайли деб топишган эди. Бироқ, икки ой ўтди ҳамки, хушхабардан дарак йўқ. Кун эса исиб кетаяпти. Ҳадемай ерга ҳеч нарсга экиб бўлмай қолади. Туман прокурори Зоҳиджон Мухторовга арзимини айтиб кирдим. Ҳар қандай одам ўз ҳўқуқини билгани яхши экан-да. Пинагини бузмай ўтирган раҳбарлар дарҳол ғимирлаб қолишди. Мана ҳозир экин-тиқиларим барқ уриб гуллаб ётибди. Мен эса ўз миннатдорчилигимни билдириш учун, бу ерга кириб келган жойимда сизни учратиб қолдим, муҳбир ака!

Биз эса нима дердик. Ишигизнинг барорини берсин, деймиз-да!
(Ўз муҳбиримиз)

ҲУШЁРАЙКА ДАЪВАТ

ПАНЖАРА ОРТИДАН НИДО

Жазони ихро этиш муассасасидамиз. Озода йўлаклари, шарт-шароитнинг яхшилигини, маҳкумлар учун ошхонада пийшётган таомларнинг сифатлигини кўриб бир зум бу манзилнинг қамқоҳона эканлигини унутди киши. Бироқ олисларга боқиб турган мунгли нигоҳларга дамба-дам дуч келаркансиз, улар кафасдаги қушдек яшаётганини хис этасиз. Озодлик деган буюк неъматдан маҳрум бўлган бу навқирон йигитларга ачинасиз. Ахир улар орасида ватанимиз равнақига, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хисса қўшиш ўрнига ҳар хил диний экстремистик оқимларга қўшилиб, эл осойишталигини бузишга уринган «Хизбут-таҳрир» экстремистик гуруҳининг аъзолари ҳам бор. Уларнинг базилари билиб-билмай бу йўлга кириб қолганлар. Сўнгсиз пушаймонлик билан айтган гаплари, уларнинг сароб йўлни танлаб хато қилганликларини тушуниб етганларидан далолат бериб турибди. Тиканли сим ортидаги бу айл ноаларни кўпгина ёшларга ибрат бўлади, деган ният билан улардан айримларининг фикрларини қозоғга туширдик.

— Мен Шерзод Назарбековман. Шаҳрихонданман, Ёшим 21 да. Бу ерга келганимда 18 да эдим. 14-15 ёшимда диний билимларни эгаллашга қизиқдим. Ёшлиқда ёллаш осон бўлади, дейишди. Маҳитга қатнадим. Шундай кунларнинг бирида маҳитда давъатчилар пайдо бўлди. Улар ўзларини таништирилгани йўқ. Бир қарашда илми бўлиб кўринган бу кишилар биз ёшларни гирдобга тортганини ўшанда билмаган экманан. Шу боси мен ҳам тенқур дўстларим даврасида биз бошқа тузум тузишимиз керак, бу давлат шариат қонунлари асосида бошқарилади, деб уларнинг гапига етказишга ҳаракат қилганман.

Бугун хизбутчиларнинг асл мақсади нималигини, улар мустақил дёвримизга кўз олайтиришгаётганини тушундим. Пушаймонлигимнинг чеки йўқ. Яқинда, насиб этса, ота-онам бағрига қайтаман. Янги ҳаёт бошлаб ота-онанинг, ватанимнинг розилигини олиш ниятидаман. Тенқурларимга битта гапим бор: «Бировларнинг гапига қирманг. Баландлар вазо қақирқиларга ишонманг. Унингизни, маҳаллангизни, Ватанингизни асраб-авайланг. Ана шунда хидоят сари қадам қўйган бўласиз».

— Эргашев Шерзодман. Тошкентликман. 1978 йилда туғилганман. Навоий эдим. Нон ёпиб, ризкимни териб юргандим. Диний билимларга 4-синфдан қизиққанман. Мактабни битирганимдан сўнг уйлантиришди. Битта қизалоғим бор.

Номоз ўқишни қанда қилмасдим. Жума номозида бир йигит билан танишиб қолдим. У жуда гапдон эди. Куръонни ёд айтardi. Унга илхосим ошди. Кейинроқ у ўзини «Хизбут-таҳрир» партиясидан эканлигини айтди ва менга ҳам шу йўлни танласам хато қилмаслигини тушутирдим. Бир-иккита варақ берди. Февраль воқеаларидан кейинги пайт эди. Паспортиمنى текширишганда чўнтагимдан варақалар чиқди.

Ота - онам менинг бу хатти-ҳаракатимдан мутлақо беҳабар эдилар. Зор-зор йиғлаб қолишди. Шунда юргандим бир нарса узилгандек туюлди. Хотинимнинг тавъали нигоҳи, ота-онанинг бош эгиб қолиши ўшандаёқ кўзимни очганди. Мен бу ерда ўзимдан нафратландим. Қаллам қаёқда эди, биров судраса кетавераминми? Мустақил фикрим йўлқий туйфайли соатлаб жағи-жағига тегмай гапирадиганларни илми, деб ўйлабман. Бошқа давлатларда ҳам хизбутчилар фаолияти таъқилланганлигини, уларнинг нияти одамларнинг тинчлини бузиш эканлигини бугун англаб етганман. Хали ёшман. Узимни тўғри йўлга энди бошлай оламан. Ниятиمنى яна тинчгина замонада азиз

Ватаним бағрида, қадрдон ҳовлимда халким учун иссиққина нон ёпсам, олқиш олсам.

— Усмонов Раҳматман. 1969 йилда туғилганман. Қуваликман. 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этилдим. Оилам, бир фарзандим бор. Мен ҳам тўғри йўлдан тоғайа, ҳар хил давъатчиларнинг давъатига ишонган, ўзининг кўзига ўзи чўп суқанларданман. Энди бу ерда ўша гуноҳлигим учун жазоимни олаяман. Қон санаб, ой санаб бу муддат тугаганини кутаман.

Тезроқ уйимга борсам, ота-онамдан ёру биродарларимдан узр сўрасам, дейман.

— Отам-онам мени Носиржон деб эрқалашарди. Наманганда Шамшикул деган гўзал қишлоқ бор. Шу ерда ўсиб воғая етидим. Абдуқажом деган соатсоз йигит билан танишиб қолдим. У менга ижарага бирорта уй толиб бергин, оилам билан яшамокчиман, деди. Қўшимиз бор эди. Биттаси билан жанжаллашиб қамалиб кетган. Уйи бўш бўлганлиги учун сўраб Абдуқажомни хотини билан жойлаштирдим. Йигит билан қалин бўлиб қолдик. У ҳар хил сураларни айтиб беради. Ихлосим ортди. Уйимга тақил қилдим. Ота-онамга бу йигит ёқмади. Кўзи бежо. Бу боланинг нияти яқши эмас, дейишди. Эътибор бермадим. Шундай кунларнинг бирида туш кўрдим. Тушимда отамнинг кўзлари боғлиқ экан. Онамдан сўрадим. Отанг санаторийда яқши юрибди, дедилар. Шу кунни кечга яқин ўзимнинг чап кўзим қўрмай қолди. Худода бир гуноҳим ёқмади, дедим. Шунда Абдуқажом: «Одамларни дин йўлига бошлаб, уларнинг кўзини очиниш керак. Шунда худо сенинг гуноҳингдан кечди. Мана мен дин йўлини-хидоят йўлини танладим. «Хизбут-таҳрир» партиясига кирдим. Энди унинг давъатларини ёшларга етказишим керак. Қалитс бўлса-да, Оллоҳ бу меҳнатимга яраша мукофот беради. Унинг гапларига ишондим. «Отамнинг ўлишини билганим-да, бир қоп кепакка алмашардим», деган экан биттаси. Мен ҳам билмайми тикан боғсанларданман. Кўзларимдан оқаётган ёш-менинг армонларим. (У йиғлаб юборди ва чўнтагидан бир парча қоғоз чиқарди). Мана, шэрэвэдим. Мен юртимни севаман. Унинг бир қарч ҳам ерини ўзгаларга раво кўрмайман. Бирок бугун ўзимни ҳиндик хис қилиб, виждоним қийналапти. Мени таниганлар, билганлар кечирिशларини истардим. Ахир адашганим тўғри йўлга бошлаш савоб-қу?!

Шу қадар бағри кенг, кечирилмай юртбошимиз борлигидан гурурланаман. Насиб этса, мана шу меҳнаткаш,

бағрикенг халқимнинг берган нон-тузини оқлайман.

*Эй ватаним, жоним Ватан,
Бошим узра бештанам сен.
Нон-туз бериб қатпта қилган
Ҳам отам сен, ҳам онам сен.
Носиржонинг бир адашиди,
Носиржонингни алдашиди.
Емонларга у ёндашиди,
Ҳам отам сен, ҳам онам сен.
Кўр қилсин берган тузларинг,
Яна йўлдан оғар бўлсам.
Сени дейман то сўнгги дам,
Хидоят сен, агар ўласам.
Болам, кўзи қароғинам,
Онам, қалби яроғинам,
Гоғил Носирни кечиринг,
Пушаймонман, кўзимда нам.*

Маҳкум Носир Умаровнинг одамларга айтадиган гаплари кўп эди. Бирок вақт ҳақам. Маҳкумлар билан суҳбатлашарканмиз, уларнинг кўзларидан оқаётган ўкинч ёши пушаймонлари дилдан эканлигини ошқор қилиб турарди.

Динни никоб қилган «шайтон»лар вассасасига учган бу йигитлар тақдирига ачиндик. Уларнинг бири ота-онасининг қариллигини ўйласа, бири болаларини соғинганини айтди. Яна бири кишлоғида ҳар йили ўтказиладиган Наврўз байрамига бу йил иштирок эта олмаганлигидан ўқинади.

Жазони ихро этиш муассасаси бошлиғи, офицер Собир Худойбердиев муассасада пийшган ва маҳкумларга улашлган сумалақдан бир қоссабини бизга тутди. «Кеча байрам қилиб бердик. Имкоминиш борича баҳор таомларини тайёрладик. Бирок бу ердаги Наврўз панжарадан ташқарида эмин-эркин ўтаётган Наврўзлардан, нечоғлик тараддув кўрмайлик, гариброқ кўринарди».

Ха, озодликка нима етсин. Хидоят йўли деб заллатга юзлашган, унинг жабрини тортётганларнинг панжара ортидаги нидоси зора ота-оналарни, ёшларни оғоҳликка ундаса.

ҲАКИМ МКРОМОВ,
махсус прокурор
Ҳафиза ЭГАМБЕРДИЕВА,
журналист



Тошкент шаҳар прокуратурасининг сулларда жиний ишлар қурилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари Х. Турдубоев, бўлим прокурорлари М.Халилова ва Ф.Муҳаммаддиновалар иш устида.

МУНОСАБАТ

ОЁҚ ҚАЧОН ҚАЛТИРАЙДИ?

Бундан бир ой муқаддам Ўзбекистон телевидениеси 1-дастури орқали намоийш этилган бир курсатув эътиборимни тортди. Бир тадбиркор оқимиз зорланиб: «Агар солиқчи, прокуратура ходимларини ва бошқа назорат тартиб вакилларини курсам, оёғим қалтирайдиган бўлиб қолди», деди.

Тўғри, ҳуда-беҳуда текширишларнинг қай бир мавнода ошганлигини инқор қилиб бўлмайди. Лекин ўз ишини пухта билган, солиқларни вақтида, беқаму кўст тўлаб борувчи тадбиркорни ҳеч қандай дўк-пўписа, «текшир-текшир»лар чўчита олмайди. Аксинча, ҳужжатлар юриштида пала-партишликка йўл қўйган тадбиркорлар, ўз даромад манбааларини яшириб юрвчи айрим содда муғомбир «ишбилармон»ларгина юқори идоралар вакиллари назоратидан чўчи юришлари табиий.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йилги «Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида»-ги қарори соҳамиз ишига бир қадар енгилликлар киритди. Айни пайтда Зарафшон шаҳрида тегишли банкларда ўз шахсий ҳисоб рақамига эга бўлган 135 та тадбиркор фаолият курсатаётди. Жорий йилнинг фақатгина биринчи чораги давомида улар 78 миллион 308 минг сўм нақд пул маблағларини ўз ҳисоб рақамларига туширишга эришди. Бундан ташқари, чакана бозорлар худудида жисмоний шахслар савдо фаолиятини тартибга солиш борасида ҳам қатор ибратли ишлар бажарилаётти. Бозорлардаги ҳар бир савдо жойлари тадбиркорга шартнома орқали бўлиб берилган бўлиб, фуқароларга савдо хизмати кўрсатиш тегишли тартиб ва талаблар асосида йўлга қўйилган. Четдан келиб савдо қилувчилар учун ҳам зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Ҳар ҳафтанинг яқинба кунни бўладиган савдо ярмаркасида республикамизнинг турли худудларидан тадбиркорлар келиб фаолият курсатадилар.

Уз тажрибамга таяниб яна шуни айтиш мумкин, барча тадбиркорлар тегишли солиқ тўловларини ўз вақтида, ўз хоҳишлари билан тўлаб бурсалар, тизимимиз иши тубдан енгиллашди. Халқимизда «Хисобли дўст айрилмас» деган ибора ҳам бор. Солиқчи ва тадбиркор ўртасида ҳамкорлик ва энг аввало, ўзаро ишонч туйғулари қадр топтоғи лозим. Ҳар холда, мавжуд ўзаро тушуновчиликлар қонун ва ички тартибларнинг у ёки бу бўғинида бузилиш ҳолатларига олиб келади.

Фаолиятимизда тушунтириш ишлари муҳим ўрин тутганини ҳисобга олиб, тадбиркорлар ўртасида тез-тез семинарлар ва яқна тартибда мулоқотлар ўтказиб турибмиз. Маҳаллий телевидение орқали очиқ мулоқотларни йўлга қўйганмиз. Мулоқот давомида билдирилаётган ҳар бир фикр ёки саволга аниқ, таҳлилий жавоб бериш ҳаракатида бўлагимиз.

Тадбиркорлик энг аввало, танглик ва ҳалолликни ёқтиради. Бундай фазилатлар солиқчиларга ҳам ярашади. Яна бири шуки, қонуннинг ҳам ҳурматини жойига қўймоқ керак. Ахир, биз ҳуқуқий давлат кураялғимиз.

Дилшоҳ БАРАКАЕВ,
Зарафшон шаҳар давлат солиқ инспекцияси бошлиғининг ўринбосари

«ХУҚУҚ»ҚА МАКТУБЛАР

...ҚАЙГА БОРАЙ ДАВОГА?

Менга ҳозирги яшаб турган беш хонали уйим 1978 йили Ўзбекистон телерадио комитетида редакторлик вазифасида ишлаб турган пайтимида навбатга билан берилган эди. 1987 йили ўғлим Т.Бекмирзаев ҳарбий хизматдан қайтиб келганидан сўнг уйлантириб, уйнинг бир хонасини унга ажратиб бердик. Орадан бироз вақт ўтган, бошқа уйда яшаймиш, деб ижарага уй олиб қўчиб кетишди. Лекин орадан кўп вақт ўтмай яна қайтиб келиб, ўғай онаси ва синглиси Дилдорага кун бермай уйдан ҳайдай бошлади. Бу қийинчиликларга чидамай онаси Мавлуда мен билан ажрашиб, фарзандларини олиб қўчиб кетди. Мен Дилнора, Дилрабо ва Дилфуза қизларим билан ўз уйимда қолдим. Ўғлим Тоҳир эса хотини билан уйнинг ордерини ўғирлаб, ўз номига расмийлаштириб олибди. Буни билиб қолган, С.Раҳимов туман судига Тоҳир номига расмийлаштирилган ордери бекор қилиш ва уни менинг номига қайтариш сўраб мурожаат қилдим. Аммо бу иш туман судида тўрт марта, шаҳар судида тўрт марта, Олий судда икки марта қўрилиб қилинганда қонуний ечимини топанги йўқ. Бу орада ўғлим менинг касаллигимдан фойдаланиб, уйни хотинига ҳада қилиб юборган. Хотини эса уйни бошқа уйга айирибовлаб юборган.

Суд менинг мурожаатимни бир неча бор қўриб чиқди. Лекин уйнинг ордери масаласи ҳар сафар четлаб ўтилмоқда. Судга қилган илтимосим битта — ҳужжатларни батафсил қўриб чиқиб, ўз уйимни менинг номимга қайтаришга ёрдам беришса.

Мен иккинчи гуруҳ ногирониман, яқинда оғир касалланганлигим сабабли бирон илдизга боришга мадорим қолмади. Судма-суд югуравериб чарчадим. Сизларга ушбу масалани ҳал этишда менга яқиндан ёрдам берасизлар, деган умидда ҳал йўлламоқдаман.

Озод БЕКМИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳри С.Раҳимов тумани,
Шифокорлар шаҳарчаси, Г-30, 22-уй

ТОҚАТИМИЗ ТОҚ БЎЛДИ

Хурматли таҳририят!
Биз Самарқанд шаҳар Боғишамол туманидаги 48-меҳкамланмада ишлаймиш. Корхонамиз 1999 йилни ихобий қўрсаткичлар билан яқунлади, даромадимиз ҳам ёмон бўлмади. Аммо, 2000 йилнинг бошидан бери ишлар чаппасига кетиб, ҳозиргача ҳатто январь ойи машиони ҳам тўлиқ олганимиз йўқ. Ҳар биримизнинг 3-4 нафар, ҳатто 6 нафаргача болаимиз бор. Ҳозирги шариотда бундай катта оилани боқиб осон эмас, айниқса 5 ой маош олманган ишчига.

Хукуматимиз қарорлари, юртбошимизнинг фармонлари халқнинг моддий фаровонлигини ошириш, маънавиятини юксалтиришга, соғлом авлод тарбиясига йўналтирилган бир пайтда каттагина корхонанинг аянчли бир ҳолатга келиб қолганлиги наҳотки ҳеч кимни қизиқтирмас?

Ҳар нарсанинг ҳам чегараси бўлиши лозим. Ишчиларнинг андишаси-ю сабр-бардошини суистеъмол қилиб, ўз ҳаловатидан қечкини истамайдиган, юқоридаги раҳбарлардан ҳақ талаб қилишни билмайдиган бошлиқни ким деб аташ мумкин?

Шикоятимиз газетдада чоп этилган, аҳвол ўнганлар деб умид билан ҳал ёздик.

М.ҲАКИМОВ, М.ЖАВОДОВ,
И.ИСТАТОВ ва бошқалар. Самарқанд

МУЛОҲАЗА

ИНСОН ФЕЪЛИ

Ҳеч кузатганмисиз, шундай болалар бўладими, улар тузишдан ҳам кўра кўпроқ бузишга қизиқадилар. Дейлик, болангиз кубиклардан минора қурипти. Унинг иштиёқини кўриб сиз қанчаллик масрур бўлсангиз, битган минорани бир зарб билан ерларчин қилишдан у шунчалик завқланади. Буни психологлар мазоҳизмининг бир қурлиши деб ҳисоблайдилар.

Одамзотнинг қонида бор биров ойлар орасида апрелни экан-да, киши улғайгандан кейин ҳам ушбу одат ахён-ахёнда ҳуруж қилиб туради. Ҳеч истамаган ҳолда бир қилиқ қилиб, ўзингизни ўзингиз абгор этиб қўясиз.

Билганга ўтаётган ҳар бир кун кадрли. Бир дўстим: «Илгари кузни ҳеч ёқтирмадим. Севган қизим қузда туфайланиги туфайли ҳозир фасллар орасида мен учун қуздан яхшиси йўқ» деганидай, кимга қанақа,

лежининг собиқ директори Эргаш Умирзоқов.

...1999 йил 9 август куни Янгийул туманидаги Турсунқолов жамоа ҳўжалиги марказий бўлимида яшовчи фўқаро Ахмад Усмонов вилоят ИИБга ариза билан мурожаат этди. Унда Абу Али ибн Сино номидидаги тиббиёт коллежи директори Э.Умирзоқов аризагининг фарзанди Э.Усмоновани қоллеж талабалари сафига қабул қилиш учун ундан 250 АҚШ долларини талаб қилаётганини айтилиб, таъмагирга нисбаган қонуний чора кўриш сўралган эди.

Тошкент вилоят прокуратураси ва ички ишлар бошқар-

маси ходимлари томонидан ўтказилган шохшилнинг тадбир натижасида Э.Умирзоқов А.Усмоновдан таъмагирлик билан, мазкур тиббий коллежда кутубхоначи бўлиб ишловчи Дилфуза Зокирова орқали 200 АҚШ долларини олган вақтида қўлга олинди. Шунингдек, терговда Э.Умирзоқов қўлга тушганига қадар қўлиш қиратишлари ваъда қилиб ўсишатишлар орқали 7 нафар абитуриентнинг қариндошларидан 400 АҚШ

доллари ва 275000 сўмини пора тариқасида олганлиги аниқланди.

Жумладан, 1999 йил 12 июль, Э.Умирзоқов С.Урусбековни талабалар сафига қиратиш эвазига ундан коллеж ўқув ишлари бўлими котибаси Р.Бердибоева орқали 85000 сўм олган.

1999 йил 30 июль. Шу йўл билан оққўронлик Б.Усмонов ва Х.Исроиловадан коллеж ўқитувчиси Д.Хусанова орқали

100000 сўм олган.

1999 йил 5 август. Коллеж талабаси М.Бўрибоева жияни Д.Очиловани ўқишга қиратиш учун директорга 50000 сўм берган.

1999 йил 6 август. Коллеж ҳўжалик ишлари бўйича иш юритувчи Ж.Ҳасанов «номаълум шахс»ни (қизиқ?!) ўқишга қиратиш учун Э.Умирзоқовга 40000 сўм берган.

1999 йил 9 август. Директор янгийўллик Н.Каримбер-

2000 ЙИЛ — СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИ

РАК БИЛАН

Шундан кейин сўхтаб бошқача оҳангда суқ давом этди. Альбина Васильевнани операцияга тайёрлашди.

Ҳ.А.Ҳақимов бошиқ, жарроҳ Ш.А.Орипов, анестезиологлар Н.Умаров, А.Носирова, Л.Михеева, Л.Султонова, ҳамширалар Татьяна Сафронова ва Алина Зелепухина, Севара Мухаммедовадан иборат бригада етти ярим соат ўлим билан юзма-юз қурашдилар. Юрак уриши деярли тўхтаб қолган эди. «Ўлим чангалидан тортиб олишди» деганлари шу бўлса керак.

— Мана энди қаранг, қўшдай енгилман. Голиб Абдуллаевич ва унинг сафдошларидан беҳад миннатдорман. Файратли, шиддатли, ишонч билан гапирди. Унинг хулосаларини тинглаган ҳар қандай бемор ўз хаётини ишончнинг қўлига топиради. Голиб Абдуллаевич амалга ошираётган жарроҳлик операцияларининг муваффақиятини таъминлаётган омилардан бири билан, тажриба ва маҳоратга йўрилган ана шу ишончда бўлса керак.

Вазира Шокирова билан учрашув
— Агар рақ касаллигининг давосини топган шифокор учун ҳайкал қўйиш керак бўлса, мен Голиб Ҳақимовга ҳайкал қўйишни тақлиф этган бўлар эдим. Бирок ҳайкал қўйилмади, совуқ, жонсиз нарса. Менинг хаётим, уч фарзандимнинг бахти, оиламизнинг бахти унинг учун муносиб ҳайкал бўла олмади. Бошқа тафсилотларни бу ишларнинг бошида бўлган акам Қурбонзо Зоҳиджондан сўраб оларсиз...

27 ёшли Вазира Шокирова 9 ой арчаларнинг назоратида бўлган. Кўзи ёрмач, ҳа деганда ўзига келавермаган. Бир ярим ой ҳарорати тушмай, азоб чеккан. Кўричига ёрилиб кетган бўлса керак, деб уни операция столига ётқизишган. Қараша, қорин ости пардаси оқсарсада каттагина ўсма бор. 1998 йилда ҳам бошқа муҳим аъзоларга боғлиқ кетгани учун тананинг бу қисмидаги ўсманни операция қилиб бўлмайдми, деб ҳисоблашар эди. (Ҳозир ҳам ўзини онколог-жарроҳман деб юргувчилар орасида шундай хулоса чиқарувчилар учрайди). Шунинг учун очилган жойни тикишиб, шундан 1-шифохонаси перенаталь маркази бош врачининг ўринбосари беморнинг ақсига рўпара бўлади:

— Тайёргарликларингизни кўраверасизлар, синглингиз одам бўлмайди.

Ҳар уни бемор синглиси ётган касалхона остонасида навбатчилик қиларибди, ҳаддан ташқари толиқган ака ўзини йўқотиб қўяди. Қандай қилиб врачни бўлиб олганини, синглим ўлса, сизларни ҳам соғ қўймайман, деб жанжал кўтарганини кейинчалик унга бошқалар айтиб беришди. Бирок шундан кейин операция бошида турганлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали онколог жарроҳ Голиб Ҳақимовни қачиртириб келишга муваффақ бўлишди. Фақат ундан операция тўғри ўтказилгани ҳақидаги баённомани тасдиқлаб беришни сўрашди, ҳолос. Лекин Голиб Абдуллаевич рози бўлмайди. Касалликни, ўша хавфли ўсманни ўз қўзим билан кўришим керак, дейди.

«Оҳ, инсон тақдири қанчалар чигал!» Мабодо, Голиб Абдуллаевич қўл қўйиб қўя қолса нима бўлар эди?! Осмон узлиб ерга тушар эди. Етим қолган уч гўдак ва барбод бўлган биринчи ширин турмуш... Ҳозир бу ҳақида ўйлашга ҳам кўрхасан киши.

Голиб Абдуллаевични «Голиб Абдуллаевич!» қилган унинг ана шу ўзини хос ўжарлиги эди. У «профессорларнинг норозилигига жавобан «мен ҳам профессорман» деб беморнинг аҳволини кўздан кечирди. Қариндошларининг розилиги билан унинг қорин бўлигини очиб, бу ўсманни олиб ташласа бўлади, деб беморни операцияга тайёрлади. Операция 3 соат давом этди ва муваффақиятли якунланди. Уни табриклашга ҳали эрта эди. «Профессорлар» беморнинг соғайиб кетишига ишонмас эдилар. Ҳалигача 40 ёшли медицина фанлари доктори Голиб Ҳақимов жуда ноёб операциялар ўтказётганлигини тасодиф деб ҳисобловчилар бор. Лекин иккинчи умрини яшаб, ҳовли тўлдириб юрган Шойраҳонлар ва Сайёраҳонлар (13 ёш), Людмила буви ва Ренат боболар (78 ёш) сафи ошиб бормоқда.

Анвар Ҳайдаровни «инфаркт» ташхиси билан госпиталнинг кардиология бўлимига ётқиздилар. Аҳволи ҳеч ўнганмайди. Бир ой беморхонада, бир ой уйда, шу тахлит бир ярим йил юради. 25 кг.га озиб кетади.

Рентген йўли билан текширишиб, йўғон ичкада ўсма борлигини аниқлашди. Шифохонада дардингизга бу ерда

Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.
(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси)

Республика прокуратурасида мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида қонунийликка амал қилиш юзасидан ўтказилган текшириш ақунига бағишланган иккита йилгилишда қатнашишга тўғри келган эди. Уларда бу соҳада юз бераётган жуда кўп камчиликлар, қонунбузарликлар очиб ташланган, муаммолар рўй-рост айтилган, уларни бартараф этиш чоралари кўрилган эди. Лекин кўп йиллар молия тизимида ишлаб, ҳозир нафақага чиққан Альбина Васильевна Юнусова билан тасодифий учрашувимиздан кейин медицинаимиз имкониятларини у томондан туриб кузатиш прокуратура назорати ёки хизмат текширувлари доирасидан ташқаридаги ҳодисага ўқшаб туялди. Ва Альбина Васильевнанинг тавсияси билан онколог-жарроҳ Голиб Абдуллаевич Ҳақимовни излаб топдим. Ушбу очеркидамада мамлакатимиз табобат тизимининг муҳим бир тармоғида жаҳон андозалари даражасида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиб, фақуллода катта самараларга эришаётган иқтидорли жарроҳ-онколог Голиб Ҳақимов фаолиятининг айрим қирралари қаламга олинган.

— Рақ, ўзбекчасига айтганда саратон касаллиги бедаво дард ҳисобланади.

— Унинг давосини топган кишига олтиндан ҳайкал қўйишар эмши.

Бу бизнинг, яъни медицинадан узоқ инсонларнинг саратон касаллиги ҳақидаги ўта содда, жўн тасаввуримиз, ҳолос. Аммо буларнинг ёнига Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш жамиятининг 2000 йилда саратон касаллиги туфайли 75 млн. киши ҳаётдан кўз юмиши мумкинлиги ҳақидаги ахбороти қўшилган, бу бедаво дард қаршисида ўзимизни яна ҳам ожиз сезамиз.

Наҳотки, юракни алмаштираётган, инсонни ёшартириш борасида мисли кўрилмаган кашфиётлар яратётган, ҳатто табиятга қарши бориб, эркакни аёлга ёки ақсинча, аёлни эркакка айлантиришни оддий бир юмуш каби удаллаётган табобат илми рақ олдида шу қадар нотаован бўлса?!

Яна компьютер тугмачасини босиб, ахборотлар оқимини қавлаштирамиз. Ўзбекистонда саратон хасталигини аниқлаш, уни дастлабки босқичида даволаш талаб даражасида эмас, натижада хасталик учини ва тўртинчи стадияга етганда, яъни дард инсонни енга бошлаганда бемор операция столига ётқизилади. Шунинг учун кўп ҳолларда шифокорлар хасталик олдида ожиз қолишмоқда; бунинг устига қимматбаҳо дори-дармонларни қўя туринг, оддий табобат вимситаларининг, масалан, жарроҳликда ишлатилмаган махсус игна-ипларнинг етишмаслиги туфайли беморлар кўп азият чекаётган бўлсалар-чи?!

Шу пайт ҳона эшиги очилиб, жарроҳнинг яшил кийимидаги бир йиғит ҳоринг қиёфада қириб келди:

— Илингиздан бериб туринг, ҳамкасаба, қон тўхтамаёпти, — ҳона соҳиб ёнимдаги столда турган шифокорларнинг никелли сандиқчасини очиб, бир ўрам махсус игна унга узатди. Сандиқчада бундай ўрамлардан бир неча хилига, бошқа номини мен билмайдиган турли медицина асбобларига кўзим тушди.

Чархланавериб, юпка тортиб кетган скапель, қайнатавериб қорайиб кетган қисқичлар ва улар ёнида катта жарроҳлик мактабини ўтаб келган, кашфиётлари ҳатто чет элларда ҳам эътироф этилиб, қисқа фурсатда қўли енгил шифокор сифатида ҳамкасблари томонидан эътироф этилаётган врачнинг иложсиз ҳолатини ҳеч тасаввур этолмадим.

— Президентимиз Ислам Каримов халқ соғлиғи йўлида катта гамўрлик қилмоқда. Замонавий тез ёрдам поликлиникаларининг қурилиши, ноёб диагностика ва даволаш асбоб-ускуналарининг сотиб олинаётгани, «Соғлом авлод» дастурида амалга оширилаётган тадбирларнинг ташаббускори давлатимиз раҳбарининг узлари эканлигини эслашнинг ўзи қийфоя.

— Борми ўзи Ўзбекистонда шундай мактаб?
— Бизда онкологик радиология ва рентгенология ривожланган давлатларда хавс қилгулик даражада илгариллаб кетган. Чунки бу соҳага кўп йиллар онколог-радиолог, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Н.Қ.Муроджўев раҳбарлик қилган ва табиий равишда ўзи мутахассис бўлган соҳани ривожлантирган.

Бирок онкологик жарроҳлик соҳасида ҳали кўп иш қилиниши керак, деб ҳисоблайман. Жаҳон онкологияси тажриба-

сидан яхши маълумки, бу тур касалликларни асосан жарроҳлик йўли билан даволашди. Шунинг учун бу борада Москва онкология жарроҳлиги мактабидан сабоқ олмақ даркор.

— Собиқ империя зуғумларидан энди қутулиб, кўкрагимизга шамол тегиб турганда москвалараслик қилиш эски кишанларни кўмсаидек бир гап эмасми?!

— Коммунистик мафзура, СССР зиймосидаги тўтқунлик умуман бошқа нарса. Бирок Россия президенти Владимир Путиннинг президентлик бошқарувини расмий равишда қўлга олгандан кейин биринчи ташрифини Ўзбекистондан бошлаши, мамлакатларимиз ўртасида узаро тенглик асосида кўплаб муҳим ҳужжатларнинг имзоланиши, ҳатто ҳарбий соҳада амалий ҳамкорлик қилишга келишилгани собиқ империя маркази тўғрисидаги ҳар қандай шубҳани йўққа чиқаради. Президентимиз таъбири билан айтганда, Россия илм-фан ва техника соҳасида улкан салоҳият эгалари мамлакат эканлигини унутмаслик керак. Шунинг учун иқтидорли ёш жарроҳларимизни академик Н.Н.Блохин номидига Россия онкология марказида, академик Н.Н.Трапезников, профессор А.А.Клименков ва Россия медицина фанлари академиясининг муҳбир аъзоси М.И. Давидовларнинг онкологик жарроҳлик мактабларида ўқитиб, республикада шу соҳани жаҳон ўлчамлари даражасига кўтариш пайти этиб бормоқда.


Альбина Васильевна Юнусованинг қундалиғидан:

— 1933 йил 15 апрелда таваллуд топганман. 2000 йил 15 апрелда, 67 ёшлимда иккинчи умримни яшамокданман. Бундай дейишимга сабаб 20 йил аввал — 1979 йил 22 февралда шўхар онкология шифохонасида мени операция қилишиб, қорин бўшлиғимда 4х7 см ҳажмидаги ўсма борлигини, лекин уни олиб ташлаб бўлмаслигини айтишган эди. Кейин кўлимга касаллик варақасидан қўчирма тўтказишиб, қачон қоринида оғриқ пайдо бўлса ёки аҳволинг оғирлашса, шу ҳужжатни кўрсатасан, чунки сени операция столига ётқизиш мумкин эмас, узоғи билан 10 йил яшасанг керак, деб очик айтишган эди.

Бу «ўлим ҳукми»ни кўтариб 20 йил яшадим. Кейинги пайтда ўсма бутун қорин бўшлиғини эгаллаб, оғриқ шу даражага етар эдики, ётишдан аввал, эй худо, кўзимни юмиб, улхасаму эрталаб ўлигимни кўтаришини, деб ният қилар эдим. Бир кун оғриқ чидаб бўлмас даражага етиб, бизиз билан ўз жонимга қасд қилдим. Умрим бор экан, қизимдай бўлиб қолган бир шоғирдим хабар топиб, омон қолдим. Ахир кейинги йилларда фақат ич ювиш, оғриқни қолдирувчи дорилар билан кўн ўтказиш азоб эди-да. Ёшим олтишмидан ўтгандан кейин ўсма катталашиб, қон айланишини қийинлаштириб қўйди ва оғримнинг майда томиларни ёрилиб кета бошлади. Юролмай қолдим.

Шундан кейин Альбина Васильевнанинг ўғли онасининг анкета маълумотномасини кўтариб шўхар онкологик диспансерининг поликлиникасига келди.

Лекин поликлиникадагилар мизокими онколог-жарроҳга йўллашди. Чунки Голиб Абдуллаевич саратон ташхиси билан операция қилинган беморлардан кимки мурожаат этса, аввал унга учрашишни поликлиникадагиларга тайинлаб қўйган эди.



Шифокор Альбина Васильевнанинг анкета маълумотларини синчиклаб ўқиб, йигирма йилдан бери онасининг ўлимини кутиб яшайётган ўғлига ҳам ачиниб, ҳам ажабланиб қарайди. Аслида айб унда эмас, бугўдада эди.

— Онангизни тутасиз бўлади.
Владислав Вакифович уни тинглашни ҳам истамайди.
— Имзо чекиб бering, тамом вассалом!
— Онангизнинг ўлимини яна қанча кутиб яшамокчисиз?!
Бу энди ўзини билган ориятли фарзандга ҳисил қанча аччиқ таъна эди.

Internet ХАВАРЛАРИ

Ўтган сешанба куни Тбилиси шаҳрига кираверишда «Опель» машиниси остида бомба портлади. Портлаш натижасида автомобиль ҳайдовчиси ҳалок бўлди. Машина салонидagi Грузия мудофаа вазирининг акаси — тadbиркор Гураи Тевзаде, унинг хотини ва икки нафар фарзанди жароҳатлангани тўғрисида шифохонага ётқизилди. Воқеа жойи ОМОНчилар томонидан ўраб олиниб, бу ерга барча ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, шу жумладан мудофаа вазири Давид Тевзаде етиб келган.

Эронга қарашли эски нефть куйиш танкерининг портлаши оқибатида 18 киши ҳалок бўлди ва 50 нафар фуқаро жароҳат олди. Фожиа Бангладешнинг Читтагонг порти ҳудудида юз берди. Портлаш пайтида танкерда 150 га яқин ишчи бўлган. Ҳозиргача кучли ёнғин чикилиши олиб келган портлаш сабаблари аниқлангани йўқ.

Ўтган ҳафтанинг пайшанба тонгидаги кучли портлашдан Лондон шаҳри ларзага келди. Бу номаълум шахслар томонидан Темза дарёсининг жануби қирғоғидаги Хаммерсмит кўприги остига ўрнатилган портловчи қурилманинг «иши» эди. Полиция мазкур воқеани террорчилик ҳаракати, деб баҳолаган.

Ўтган ҳафтанинг chorshanba куни кечкурун соат 23 лар атрофида Черногория Президентининг хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Горан Зугич номаълум кимса томонидан ўзининг уйи яқинида отиб ўлдирилган.

Украина прокуратураси томонидан мамлакатнинг sobик бош вазири Павел Лазаренкога нисбатан жиноят иши кўзғатилган. Бунга sobик ваизр танкили тadbиркор ва депутат Евгений Шербаньнинг ўлдирилишида иштирок этган деган гумон асос қилинган. Бош прокурор ўринбосари Н.Обиходанинг таъкидлашича, депутатни ўлдиришга юқори мартабали амалдорлар буюртма беришган ва айнаи дамда улардан бир қанчаси аниқланган.

— Жорж-туана (Гуаян) ҳайвонот боғида сақланаётган ягуар қаровчисини ўлдириб, қафасдан кочиб кетди, — деб хабар беради Associated Press ахборот агентлиги. Полиция қочоқ йиртиқчи тезда қидириб топган ва отиб ташлаган.

Ҳайвонот боғининг 38 ёшли ходими ягуарни овқатлантириш учун қафасга кирганда йиртиқч унга ташланиб, ериб ташланди ва ташқарига кочи чикади.

Маълум бўлишича, тахрибали ходимга хавфсизлик коидаларига риоя этмаганлиги кулфат келтирган. Яъни, у ёрдамчисиз ёлғиз ҳолда ҳайвонни овқатлантирмоқчи бўлган.

Ўтган ҳафта chorshanba куни кечкурун Австралининг жанубида авиаҳалокат содир бўлди. Маҳаллий авиакомпанияга қарашли унчалик катта бўлмаган йўловчи самолёти Аделаида — Вайалла рейсини бажараётган вақтда двигатели ишламай қолиб, денгизга қулаб тушган. Натижада машина бортидаги 8 нафар кишининг барчаси вафот этган. Қутқарувчилар эртаси куни тонда Аделаида қирғоқларидан икки йўловчининг жасади ва юқларнинг бир қисмини топган.

(Бошланғичи 1-бетда)

ҳамда бошқа қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар доирасида ижтимоий адолатли, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишдан келиб чиқадиغان маънавий ва маданий тушунчаларда акс этади. Бу тушунча иймонли, виждонли бўлиш, Ватанга ва халққа чуқур муҳаббат қўйиш, юксак ахлоқли бўлиш, қадриятларимизни асраш ва оғишмай амал қилиш, қонунни ҳурмат қилиш ва унга риоя этиш каби тамойилларни қамраб олади.

Мухтарам юртбошимиз Олий Мажлиснинг 2-қачирик 1- сес-

кўплаб ташқи таъсирлар, турли қарама-қаршилиқлар, шу жумладан, қонунсиз таъсир кўрсатиш, манфаатдор шахсларнинг қаршилиғини енгиш, айрим вақтларда ноқулай шароитларда ҳаракат қилишга тўғри келади. У ҳаддан ташқари жисмоний чарчаш ҳамда руҳий босим остида бўлади. Шундай вазиятларда айрим иродаси суст ҳодимлар қонундан чекиниб, хато ва камчиликларга йўл қўйишлари мумкин.

Прокуратура ходимининг маънавий ва иродавий қиёфасини белгилловчи муҳим жиҳат-

терговни ҳолисона ва мукамал олиб боришига тўсқинлик қилади. Амалиётда бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Прокуратура ходими *қўрқмас ва жасоратли бўлиши керак*. Чунки бундай сифатларсиз у яхши ходим бўла олмайдди. Бу ўринда қўрқмаслик ва жасоратни кенг маънода тушуниш лозим. Маълумки, прокуратура идоралари ходимлари ўз хизмат бурчини бажаришда жиноятчиликка, қонунбузарликка қарши курашади. Унинг қаршисида кўпинча, қонунни менсимасан мансабдор шахс ёки жиноятчи-

зари остида бўлади, хулқи-одоби ва ахлоқи муҳокама қилинади, баҳоланади, маъқулланади ёки қораланади.

У ҳамиша ўзи вакил ҳисобланадиган прокуратура органининг шаъни ва обрўсини ёдида сақлаши шарт.

Прокуратура ходими берилган ваколатлар имтиёз эмас, катта масъулият эканлигини чуқур англаши керак. Фаолияти давомида ходимлар юзлаб кишилар билан турли соҳалар бўйича мулоқотда бўлади. У билан суҳбатда бўлган ҳар бир шахс прокурор қиёфасида тўғрилик, адолат, ҳолислик билан бирга, давлатнинг манфаатини ҳимоя қилувчи ҳалол одамни кўриши керак. Бундай ходим қаршисидаги қонун бузган шахс ҳам, жиноятчи ҳам содир этган қилмиши давлат ва халқ манфаатига зид эканлигини тушуниб етати, пушаймон бўлади.

Прокуратура ходимининг адолат истаб ҳузурига келган фуқаролар олдида ўз касбига мос кийинмаган, соч-соқоли ўсган, хизмат хонаси озода ва саришта бўлмаган ҳолатдаги кўринишини бир тасаввур қилинг-а. Бунинг устига у отаси ёки онаси тенги одамни, ўзиндан катта ёшдаги кишиларни менсимасдан «санлаб» турган бўлса... Арзини ҳам тингламасдан, «қонун бўйича ҳал қиламиз» деб, суҳбатлашмасдан хонасидан чиқариб юборса, мазкур шахснинг прокуратура идорасига, унинг ходимига, қолаверса, қонунга бўлган ҳурмати, ишончига канчалик путур етишини кўз олдимизга келтиришимиз унчалик мушкул эмас.

Биз буюк халқимиз ва келажикимиз ҳам буюқдир. Зеро, жаҳон танаддунига сезиларли даражада ҳисса қўшган буюк алло-маларнинг ақсарият кўпчилиги бобқалонларимиздир. Уларнинг пок қони бизнинг томирларимизда оқмоқда.

Улардан бизга юксак ахлоқ ва одоб, ибратли маданият ва маънавият, улғу қадриятлар, урф-одатлар мерос бўлиб қолган. Мухтарам юртбошимиз, «дунёдаги энг очик кўнгул ва содда халқ қайси деб сўрасалар, ўзбек халқи деб баралла айтар эдим» - деб гапирдилар.

Бу гапларнинг замирида халқимизга азалдан хос бўлган буюк инсоний фазилатлар ётибди.

Шунинг учун ҳам прокуратура органининг ҳар бир ходими, энг аввало, шу халқнинг фарзанди эканлигини, қолаверса, унинг хизмат вазифаси ва бурчи асосан қонун устуворлигини қарор топтиришга қаратилганлиги, барча қонунларимизнинг мақсади эса, халқимизнинг бахт-саодати, фаровонлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдан иборат эканлигини бир лаҳза ҳам ёддан чиқармаслиги лозим.

Айни пайтда Республика прокуратураси раҳбарияти томонидан шу мақсадда амалга оширилаётган ишлар пировардида халқимиз прокуратура органининг ходимлари сиймосида ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи кишиларни кўрадилар, деб ишониларга асос бор.

Малик ЭСОНОВ,
Занғиота тумани
прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси

НУҚТАИ НАЗАР

ПРОКУРАТУРА ВА МАЪНАВИЯТ

сиясидаги маърузасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органини ҳодимларининг ўзлари қонунларга қатъий риоя қилишлари шарти ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Бу бежиз эмас.

Чунки, прокуратура органи ходимининг ўзи юксак ахлоқий ва маънавий фазилатларга эга бўлишдан ташқари, уларнинг зиммасига хизмат вазифаси ва бурчини бажариш жараёнида ҳар бир шахснинг шаъни ва қадриятини, ҳуқуқи, эркинликларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда таъминлаш, қонун талабларига қаттиқ ва қатъий риоя қилиш каби масъулиятлар ҳам юкланади.

Давлат прокуратура ходимларига катта ваколатлар берган. Бизнингча, ҳолислик, инсонпарварлик, инсон тақдирини учун масъулият туйғуси берилган ваколатларнинг таянч нуқтасига айланмоғи шарт.

Прокуратура ходими ўзига қўрилган вазифани бажарар экан, унинг фаолияти мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, ижтимоий адолатли фуқаролик жамиятини қуриш, қонун устуворлигини таъминлашдек буюк ишларнинг бир муҳим бўғини эканлигини доимо ёдида сақлаши керак.

Акс ҳолда, у ўз меҳнатининг сиёсий томонини тушунмайдиган, истиқболини кўра олмайдиган, «ишляпсанми-ишляпман» қабилида юрган мансабдорга айлиб қолади.

Касби билан боғлиқ ҳолатларда эса қатъиятлик, ирода, адолатли бўлиш, инсонпарварлик, ҳалоллик, ҳушёрлик, қўрқмаслик, жасорат, масъулият, ташкилотчилик, сезgirlлик, тиришқоқлик, ҳолислик ва тезкорлик хислатлари қадрланади. Мана шу хислатлар Ватанга ва халққа муҳаббат, қонунга ҳурмат ва унга қатъий риоя қилиш, конституциявий бурчларини оғишмай бажаришга интилиш туйғуларин билан чамбарчас боғлиқ, прокуратура идораси ходимининг маънавияти ва ҳуқуқий маданиятини белгилайди.

Прокуратура ходимига хизмат вазифасини адо этишда

лардан бири *қатъиятчилик*. Бунда ходимнинг қатъий ишончи ва ҳар қандай тарздаги тўсқинликка қарамаздан уни амалга ошириш учун фаол интилиши тушунилади.

Қатъиятчиликни ходимнинг қайсарлиги, кўпчилигининг ҳаққоний фикри билан ҳисоблашмаслик, ўзининг нотўғри эканлигини англаган ҳолда ён бермаслик каби тушунчалар билан чалқаштириш мумкин эмас. Баъзи бир ходимлар «мундир шарафни» ҳимоя қилишга уриниши замирида қонун манфаатидан кўра, шахсий манфаати ва обрўсини ўйлаши ётади. Оқибатда у ўз ҳаракатларини тандий бўҳолой олмайдди, хатосини тан олиш ва уларни бартараф қилиш ўрнига ўзини-ўзи оқлайди ҳамда бу билан янгидан-янги хатоларга йўл қўяди, қолаверса, ўзининг аҳолини янада огирлаштириб юборади.

Ҳамма вақт кишиларнинг ҳаракатлари, ҳолатлар, ҳодисалар, воқеаларни тўғри бўлиши ҳодим учун ҳаётий зарурат ҳисобланади.

Ҳушёрлик прокуратура ходимини асоссиз ишонувчанликдан сақлагани ҳолда, унинг ҳар бир ҳаракати натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатни кўра билиш, эҳтиёткор бўлишини, турли вазиятларни ақлидрок билан баҳолай олишини таъминлайди.

Прокуратура ходимлари амалиётда алдаш, иккиюзламачилик ва хиёнаткорликка кўп бора дуч келадилар. Бундай ҳолатда уларда ҳушёрлик ва ўзига танқидий қараш ҳисси етишмаси, кўпол хатоларга йўл қўйиши мумкин. Масалан, терговчи шундай ҳиссиётлар тўғрисида ҳаддан ташқари шубҳага берилишига мойил бўлиб қолади. Оқибатда, бирор жиноятни тергов қилишда айбосиз одамнинг жузъий адашинини ёлғон деб қабул қилиб, уни асоссиз гумон остига олиши, қамашини ва жавобгарликка ҳам тортиши мумкин.

Бундай салбий таъсирлар остида терговчида «айблов йўналиши» пайдо бўлиб, бу унинг

лар туради. Бундай пайтда ходим қонунни қурол қилиб олиб, талаби ва тутган йўли ҳақ эканлигига қатъий ишонган ҳолда, ўз позициясини ҳимоя қилганлигини, қонун бузилганлигини узи-кесил исботлаши зарур. Шу билан бирга, ўзининг ҳаракатларига, ишига ҳолисона баҳо бера олиши ва танқидий кўз билан қараши, ўз камчиликларини кўрган пайтда қўрқмасдан тан олиб, уларни бартараф этиш чораларини кўриши лозим.

Прокуратура ходимларига мураккаб шароитларда ишлашга тўғри келади ва манфаатдор шахсларнинг таъсир кўрсатиш учун уринишларига қарши туради. Баъзида маҳаллийчилик таъсирларини енгиб ўтишга тўғри келади. Бундай ҳолатларда ҳис-туғиларини жиловлаши, совуққонлик ва ҳолисликни йўқотмасликларига керак.

Прокуратура ходимига барча фазилатлар қатори яхши *ташкilotчилик* қобилияти ҳам хос бўлиши керак.

Ишни ташкил этишда уларнинг кузатувчанлиги, ҳушёрлиги, қонунарлик, кодекслардан ташқари, бошқа соҳаларга оид қонунарлик яхши билиши уларнинг касбий сезgirlлиги билан уйғунлашиб, олдида турган қийин масалаларни муваффақиятли ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади.



Прокуратура ходимлари эга бўлиши шарт бўлган жиҳатлардан яна бири *тезкорлик*дир.

Сансалорлик, эътиборсизлик ва масъулият ҳиссининг йўқолиши ишга жиддий путур еткази. Шу сабабли улар олдида кўйилган аниқ топшириқ ва вазифаларни тезкорлик билан вазиятни тўғри баҳолаб, куч ва имкониятларни тўғри чамалаб, тез ва сифатли бажарилишини таъминловчи усул ва услубиятни кўллаб олишлари зарур.

Прокуратура ходимининг муваффақиятли фаолиятининг яна бир жиддий шартини унинг *нуқсонсиз шахсий ҳаёти* ва *хизматдан ташқаридаги юриш-туриши* ҳисобланади. У қаерда бўлмасин, нима иш қилмасин, доимо кишиларнинг ўткир на-

«БУХОРОЁЁ»

ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ




Кўплаб халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариб, эл дастурхонига тортиқ этиш борасида муайян ютуқларга эришмоқдалар.

Корхона қошида «БУХ-ТЕЛ» майонез ишлаб чиқариш ўзбекистон-исроил қўшма корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин қисқа вақт ичида бу янги корхона маҳсулотлари ўзининг турли афзалликлари билан оғизга тушиб улгурди.



Арзон, таъми ҳам харидор талабига мос, маҳаллий хом ашёлардан тайёрланган ушбу майонез ўз таркибидаги ёғ, сирка, тухум порошоги ва бошқа фойдали компонентлари билан танангизга қувват бағишлайди.



НИЯТИМИЗ — СОҒЛОМ АВЛОД ЙИЛИДА МУВАФФАҚИЯТЛАРНИ КўПАЙТИРИБ, ХАЛҚИМИЗГА ЭКОЛОГИК ЖИҲАТДАН ТОЗА ЎСИМЛИК ЁГЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ

ДЕТЕКТАРИҚЛА

7 июнь - 13 июнь

1927 йилнинг 7 июнида оқ гвардиячи мухожир Борис Коварда Польшадаги Совет элчиси Пётр Войковни ўлдирганди. Войков Екатеринбургда Романовлар сулоласининг катлида иштирок этганлардан эди.

Ушанда Коварда элчи Войковнинг бармоғида Николай II нинг олмос кўзли узугини кўриб қолган ва оқ подшо учун қасос олган эди.

1937 йил 11 июнь Михаил Тухачевский, Иона Якир, Август Корк каби ўнлаб саркардалар «халқ душмани» тамғаси остида отишга ҳукм қилинди. Суд жуда қисқа муддатда бўлиб ўтди.

Судда Тухачевский: «Мен туш кўраяпман, шекилли» деган эди. Лекин бу туш эмас, Сталин террорининг тўққини эди.

Ушбу террордан саркардалардан Ульрих ва Бүдёнйларгина қутулиб қолган эди.

ТАБРИКЛАР

Ўқуратилган ҳамкасбимиз Шарофидин Атоев!

Сизни 6 июнь — таваллуд кунингиз билан чин дилдан кўтлаймиз. Оилангизга тинчлик-хотиржамлик, эзгу ишларингизда ривож ва мустақам соғлиқ тилаймиз.

Республика Харбий прокуратураси жамоаси

Азиз адажонимиз Рустам Ҳайдаров!

Туғилган кунингиз муборак бўлсин! Сизга узок-умр, бахт-саодат ва барча эзгу тилаклар ёр бўлишини Оллоҳдан сўраймиз.

Фарзандларингиз:

Шаҳноза, Достон, Элдор ва турмуш ўртоғингиз Зилола. Тошкент

Қадри дўстимиз Жаҳонгир!

Сизни иккинчи фарзандингиз — қизчангиз тўғилиши муносабати билан табриклаймиз. Ризқ-рўзи, умри билан берган бўлсин.

Ўқуратилган ҳамкасбларингиз

ҲАЖВИЯ



ТАНҚИД

— Тўғри! — деди қорхона раҳбари Шодмон Лайлоевич минбарни муштлаб. — Қусур ўзимизда! Вақтида ишни тўғри ташкил этолмадик. Узибуларчиликка йўл қўйиб, ишлаб чиқарган махсулотларимиз бракка айланиб кетди. Қарийиб саккиз йилдан бери белгиланган режалар бажарилмай келинмоқда. Эскича бошқаришдан қутулолмаепми! Билимимиз ҳам ҳаминча қадар. Давлат тилига ўтамиз деб неча йилдан бери жирлаймиз, ҳеч олижи топилаепти. То тилимиз айланмапти, то маблағ йўқ! Бунга ким айбдор? Албатта, ўзимиз! Кадрлар масаласига эътибор йўқ! Уринбосар тайёрлашдан қўрқамиз: худди улар ҳозир келади-да, тағимиздаги курсини тортиб оладигандай. Ахир, автобусларда ёшлар катталарга жой беришади-ку! Нега энди биз катталар ёшларга жой бермаймиз? Бу саволга жавоб бериш вақти келди. Хуллас, ҳали йўқотишимиз керак бўлган иллатларимиз бисёр. Билмадик, бу нарса бизга касаллик бўлиб қолганини нима бало, минбарга чиқиб бақириб-чақирамиз, минбардан тушдик дегунча, ҳаммаси эсимиздан чиқиб кетади...

Шодмон Лайлоевич минбардан тушиб, ўз ўрнига бориб ўтирди. — Шодмон Лайлоевич, қаттиқ танқид қилдингиз, — деди унинг ёнида ўтирган хўжалик ишлари бўйича муовини Мавлон Каттаев пастиги лабини ташлаб. — Душманлар бу гапларингиздан тую ясашади энди!

— Йўқ, аксинча, душманларнинг дами ичига тушиб кетади, — деди Шодмон Лайлоевич ишайиб. — Ўз-ўзини танқид — душманларнинг озгига ёпилган қолқоқдай гап!

- Тўшунмадик, Шодмон Лайлоевич?
- Нимасига тўшунмайсиз? Бу гапларни ҳамма билади, шундайми?
- Ҳа, шундай!
- Во, оқоси! Мен ҳамма биладиган гапни гапирдик, холос! Ҳамма билган нарсадан қўрқмаслик керак!

Илҳом ЗОЙИР

9-САҲИФА

Савол:
— Нега мақола-ларингизда «керак», «керак» деган сўзни кўп ишлатасиз?
Жавоб:
— Чунки мақолаларим ҳаёт ҳақиқатини акс эттириши керак!..

Янги руснинг ўғли олий ўқув юртига кириш имтиҳони топшираётти. Профессор узоқ ўйланиб, ният савол берапти:
— Мен сизга жуда ҳам қийин бир савол бераман: Айтинг-чи, рус - япон уруши қимларнинг ва қайси давлатларнинг ўртасида бўлиб ўтган эди?

Эр-хотин уйлари таъмирлашга қарор қилишибди. Хотин эрига:
— Кўшиланининг квартираси ҳам айнан бизникидай. Улардан сўраб кўринг-чи, неча тўплам гулгоҳ сотиб олишган экан? — депти.
Эр кўшиланиниги кириб, ўн саккиз тўплам гулгоҳ харид қилинганлигини билибди ва дўқондан шунча гулгоҳ сотиб олибди.

EURO-2000
КЎҲНА ҚИТЪАДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Ҳадемай миллионлаб футбол ишқибозлари ажойиб футбол байрамининг гувоҳи бўладилар. Голландия ва Бельгия стадионларида навбатдаги XI Европа чемпионати бўлиб ўтади. Афсусланарлиси, биз ишқибозлик қилишимиз мумкин бўлган МДХ мамлакатларидан бирорта ҳам терма жамоа иштирок этмайди.

ЕВРО - 2000 ТАҚВИМИ
(10 июнь - 2 июль. Голландия, Бельгия)

A гуруҳи

1	12 июнь	Германия-Руминия.	Льеж	16.00	EURO -2000
2	12 июнь	Португалия-Англия.	Эйндховен	18.45	
3	17 июнь	Руминия-Германия.	Арнем	16.00	
4	17 июнь	Англия-Германия.	Шарлеруа	18.45	
5	20 июнь	Англия-Руминия.	Шарлеруа	18.45	
6	20 июнь	Германия-Португалия.	Роттердам	18.45	

B гуруҳи

7	10 июнь	Бельгия-Швеция	Брюссель	18.45	EURO -2000
8	11 июнь	Туркия-Италия	Арнем	12.30	
9	14 июнь	Бельгия-Италия	Брюссель	18.45	
10	15 июнь	Швеция-Туркия	Эйндховен	18.45	
11	19 июнь	Бельгия-Туркия	Брюссель	18.45	
12	19 июнь	Италия-Швеция	Эйндховен	18.45	

C гуруҳи

13	13 июнь	Испания-Норвегия.	Роттердам	16.00	EURO -2000
14	13 июнь	Югославия-Словения	Шарперуа	18.45	
15	18 июнь	Испания-Словения	Амстердам	16.00	
16	18 июнь	Норвегия-Югославия	Льеж	18.45	
17	21 июнь	Югославия-Испания	Брюгге	16.00	
18	21 июнь	Словения-Норвегия	Арнем	16.00	

D гуруҳи

19	11 июнь	Франция-Дания.	Брюгге	16.00	EURO -2000
20	11 июнь	Голландия-Чехия	Амстердам	18.45	
21	16 июнь	Чехия-Франция	Брюгге	16.00	
22	16 июнь	Голландия-Дания	Роттердам	18.45	
23	21 июнь	Дания-Чехия	Льеж	18.45	
24	21 июнь	Франция-Голландия	Амстердам	18.45	

Чорак финал

25	24 июнь	A 1 - B 2	Роттердам	16.00	EURO 2000
26	24 июнь	B 1 - A 2	Брюссель	18.45	
27	25 июнь	D 1 - C 2	Роттердам	16.00	
28	25 июнь	D 2 - C 1	Брюгге	10.45	

Ярим финал

29	28 июнь	25-ўйин ғолиби - 26-ўйин ғолиби	Брюссель	18.45	EURO 2000
30	29 июнь	27-ўйин ғолиби - 28-ўйин ғолиби	Амстердам	18.45	

Финал

31	2 июль	? - ?	Роттердам	18.00	EURO 2000
----	--------	-------	-----------	-------	------------------

EURO - 2000
Газетамиз ўқувчиларига шунинг маълум қиламизки, EURO-2000 баҳслари натижалари ҳақида кейинги сонларда батафсил ахборот бериб бориш ниятдамыз. Шунингдек, саҳифаларимизда чемпионат ўйинларида иштирок этган терма жамоалар, уларда тўп сураётган футбол юлдузлари ҳаёти ҳақида мақолалар ўқийсиз.
Бир сўз билан айтганда, XX асрнинг энг нуфузли чемпионатларидан бири — EURO-2000 ўйинлари таассуротларини «Хуқуқ» доимий равишда эътиборингизга ҳавола этиб боради.

БИР ЧИМДИМ КУГУ

БИТТА КАМЧИЛИГИНГИЗ БОР...

Гулгоҳозларни ёпиштириб бўлган, қараса улардан тўрт тўплам ортиб қолган экан. Эр тагин кўшиланиниги яугрибди.
— Бўёғи қандок бўлди, квартираларимиз айнан бир хилу меникидан тўрт тўплам гулгоҳоз ортиб қолди.
— Ҳеч ҳам ташвишланманг, — дед юпатибди уни кўшилани. — Менда ҳам тўрт тўплам ортиб қолганди!

Кинотеатр. Аёл ўтирилиб, ортида ўтирган эркакка гап отди:
— Менинг шляпам сизга халақит бермаептими? Балким, уни олиб қўйишим керакдир?
— Йўқ, йўқ, хоним! Ҳеч ҳам ундай қила кўрманг, шляпангиз намойиш этилаётган комедиядан ҳам кулгили экан.

Шифокор:
— Демак, уйкумда гапираман, денг? Аммо, ёлғиз яшар экансиз, уйкумда гапирганингиз ҳеч кимга халал бермайди-ку?
— Албатта, гапингиз тўғри, — деб жавоб берди бемор. — Лекин, ишхонадагилар устимдан кулишяпти-да!

Дўқон хўжайини янги сотувчисига:
— Умуман олганда, мен сиздан мамнунман. Лекин битта камчилигингиз бор.
— Қандок камчилик, афандим?
— Харидорларга нарсаларнинг нархини айтаётганда доим қизариб кетасиз.